Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 8 сентябрь, сешанба № 177 (21.276).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 7 сентябрь куни Тошкентда журналистлар билан учрашди. Учрашувга республика оммавий ахборот воситаларининг намояндалари, шунингдек, бошқа давлатлардаги нашрларнинг Ўзбекистондаги мухбирлари таклиф этилди.

Республика Президенти Тожикистон Республикасидаги воқеалар хусусида Ўзбекистон раҳбариятининг фикрини баён қилиб берди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

БМТ БОШ КОТИБИ БУТРОС ГАЛИ ЖАНОБЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сизнинг раҳбарлигингиз остида халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш борасида қилаётган жуда кўп ишлар учун самимий эҳтиром ва миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат этишга мушаррафман.

Шу муносабат билан дунёнинг аҳоли энг зич яшайдиган минтақаларидан бири — Ўрта Осиёда ғоят кескинлашган вазиятга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Жаҳон маърифатининг шу қадимий воҳасида яшовчи халқлар бой тарихга эга эканликлари сизга яхши маълум. Уларнинг маънавий томирлари, маданий анъаналари ва урф-одатлари азалдан бир-бирига чирмашиб кетган, уларнинг инсоний алоқалари ва тақдирлари, диний қадриятлари ва миллий ютуқлари муштаракдир.

Энг муҳими — асрлар давомида Ўрта Осиёда одамлар ва халқларнинг борлиқ тарихий ўтмиши чамбарчас боғланиб, қондош-жондош бирликка айланган, улар ўртасида сунъий равишда қўйилаётган айирмачилик тўсиқларини одамлар ва халқлар руҳий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам мақбул кўрмайдилар.

Шуни назарда тутиш керакки, бу ердаги одамлар ва халқларнинг катта гуруҳлари ўзаро муносабатларидаги ҳар қандай қарама-қаршилик, тўқнашув ва зиддиятлар қайси жойда содир бўлмасин, бутун минтақа учун бенихоя ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлган.

Қардош Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларни минтақамизнинг 50 миллион аҳолиси мана, ярим йилдан буён катта фалокатни сезгандек, ташвишланиб, изтироб билан кузатиб турибди. Тожикистонда жанглар тўхтамаяпти, доимо ўқ овозлари эшитилаяпти. Турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасидаги кескинлик ҳамда қарама-қаршилик кун сайин кучаймоқда. Бегуноҳ гўдаклар, аёллар, қариялар, оддий фуқаролар тобора кўпроқ ҳалок бўлмоқдалар. Оз сонли миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмоқда. Қаттиқ биродаркушлик тўқнашувлари давом этаётган туманлардаги турли миллатларга мансуб қочоқлар кўпаймоқда. Улар бошқа мамлакатлардан паноҳ излашга мажбур бўлмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Тожикистонда расмий давлат идоралари ҳокимиятдан маҳрум этилган. Конституциявий тузум, демократик ислоҳотлар имконияти хавф остида қолди. Бу ердаги фуқаролар ва миллатларнинг бир-бирига қарама-қаши туриши, тартибсизлик ва бошбошдоқлик бутун минтақага ёйилиш хавфи пайдо бўлди.

Қўшни давлатларнинг бевосита иштироки ва кўмаги билан Тожикистонга замонавий қурол-яроғ ҳамда ўқдори юборib турилганлиги эса, Ўрта Осиёдаги барча халқларни тобора ташвишга солмоқда.

Тожикистон халқининг ўз ички ишларини ўз хоҳишича ҳал этиш ва ўз тақдирини белгилашдан иборат суверен ҳуқуқи табиий ва дахлсиздир. Бироқ қардош республиканинг мардона, меҳнатсевар ва, афсуски, жафокаш халқи ўз дахлсиз ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун қулай ташқи шароит яратилиши керак. Аввало минтақага жанговар қурол келтиришни тўхтатиш лозим.

Мана шундай шароитда Ўрта Осиё давлатларининг ҳозирги мавжуд чегаралари ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу нарса равшан бўлмоғи керак — Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар билан белгиланган чегаралари айни вақтда Ўрта Осиё давлатларининг ҳам дахлсиз чегараларидир. Бу чегараларни бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар мазкур ўлкадэ яшовчи барча халқларнинг сиёсий манфаатларига, миллий хавфсизлигига ва ҳудудий яхлитлигига солинган ялпи дағдаға бўлади ва БМТ Низомида ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи ҳужжатида ёзиб қўйилган қоидаларга зиддир.

Тожикистон халқлари бутун Ўрта Осиёдаги ўз оғаинилари, қон-қардош халқлар билан сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан, ниҳоят миллий насл-насаб жиҳатидан ҳам мингларчэ ришталар билан чамбарчас, абадул-абад боғлиқдирлар.

Минг афсус билан шуни қайд этамизки, минтақамизда миллий адоват, сиёсий ва фуқаролар қарама-қаршилиги уруғини сочиб, жанжал чиқаришни истайдиган ташқи кучлар бор. Жаноби олийлари, БМТ, унинг Хавфсизлик кенгаши ўз аъзоларининг жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Тожикистон ички ишларига аралашишга йўл қўймасликка қаратади, деб умид қилишга рухсат этгайсиз. Барча можаролар ва муаммоларни фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш лозим. Ўрта Осиё жаҳон харитасидаги яна бир кескинлик чиққан жой бўлмаслиги керак, одамларни қурбон қилувчи навбатдаги аланга ловуллаб ёнмаслиги лозим, бошқа давлатларнинг жўғрофий-сиёсий найранглари макони бўлмаслиги керак.

Бош котиб жаноблари, мазкур минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун мўътабар ташкилотингиз номидан ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда зарур чораларни кўриш мақсадида дарҳол БМТнинг махсус комиссиясини юборишингизни сиздан ўтиниб сўраймиз.

Халқаро ҳамжамият ўз вақтида кўрсатадиган таъсирчан ёрдам ёш мустақил давлатларимизда бошланган демократиялаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнини қўллаб-қувватлайдиган муҳим омил бўлур эди.

Яна бир бор эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1992 йил 7 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ДАВЛАТ МУЛКИ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида республиканинг мулкий ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини таъминлаш, шунингдек, давлат корхоналари ва ташкилотларини бошқа хил мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушадиган маблағларни устивор умумдавлат вазифаларини ҳал этиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга сафарбар этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузурида Давлат мулки жамғармаси («Ўздавжамғарма») ташкил этилиб, унга давлат бошқаруви органи ҳуқуқлари берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари ҳузурида «Ўздавжамғарма»нинг ҳудудий бўлимлари тузилсин.

3. Давлат мулки жамғармасининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

давлатнинг мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ҳиссадорлик жамиятлари, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг сармоясида давлатга тегишли улуш (пай, ҳиссалар)га эгалик қилиш вазифаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети унга топширган давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларни амалга ошириш;

ҳиссадорлар (пайчилар)нинг умумий йиғилишларида, жамиятлар ҳамда ширкатларнинг кенгашлари ва бошқарувларида мулк эгаси бўлмиш давлатнинг вакоалатларини рўёбга чиқариш;

ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан самарали фойдаланилиши учун жавобгарлик;

давлат мулки иншоотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага олиш учун тўланадиган ҳақдан, давлат янги таъсис этадиган ҳиссадорлик жамиятларининг акцияларини сотишдан олинадиган даромадлардан тушадиган маблағларни жамлаш;

давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага топшириш, жамоа ёки ижарачи сотиб олиши, уларни сотиш, ҳиссадорлик жамиятига, бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш чоғида улардаги мулкнинг қийматига баҳо берувчи махсус комиссияларнинг ишида қатнашиш.

4. Давлат мулки жамғармасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлатга тегишли улушлар (пай, ҳиссалар) бўйича бошқариш ҳуқуқини давлат бошқарувининг ўзга органларига, концернлар, ассоциациялр, корпорациялар, уюшмаларга ва бошқа хўжалик ассоциацияларига бериб қўйиш;

ҳиссадорлик жамиятларини ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун давлатга тегишли ҳиссалардан олинадиган фойданинг бир қисмини шартнома асосида ана шу жамиятларга топшириш;

ҳиссадорлик жамиятларининг бошқа хўжалик жамиятлари, ширкатларнинг ҳиссалари (пайлари)ни сотиб олиш;

ҳукуматнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига биноан давлатга тегишли ҳиссаларни сотиш, шунингдек, уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид махсус жамғармаларнинг Холдинг компанияларининг ҳиссаларига алмаштириш ишларини амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни жамлаш учун махсус ҳисоб рақами очиб, уларни республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромадларида алоҳида модда қилиб ажратиб қўйсин ҳамда давлат манфаатлари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш манфаатлари йўлида улардан самарали фойдаланишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат мулки жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, у ҳақдаги Низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШДА ТАРТИБ ЎРНАТИШ ВА ТАРМОҚНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда нефть маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида объектив равишда оғир аҳвол вужудга келди. Республика ҳар йилги истеъмол қилинадиган нефтнинг 80 фоизигача қисмини МДҲ мамлакатларидан олиб келишга мажбурдир. Бу мамлакатларда нефть маҳсулотлари ҳамда бошқа энергия манбаларининг нархи мутта сил кескин ошиб бормоқда.

Шундай шароитда нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини сотишда республика Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети тизимида илдиз отган суиистеъмолчилик, талон-торож ва саботаж ҳолларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Тошкент шаҳридаги, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш тармоқларини бир вақтнинг ўзида текшириш нефть маҳсулотларини сақлаш ва ажратиб бериш борасида белгиланган қоидалар қўпол равишда бузилаётганини, давлатни ва фуқароларни алдаш ҳолларини аниқлади.

Республика Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети вилоят бўлинмалари раҳбарларининг йўл қўйиб бериши натижасида кўпгина ёнилғи қуйиш тармоқларида нефть маҳсулотларининг нархлари тўғрисида ахборот хизмати дуруст йўлга қўйилмаган, ўлчов асбоблари йўқ, техникавий ишлатиш ва хавфсизлик қоидалари қўпол суратда бузилмоқда. Буларнинг ҳаммаси тўғридан-тўғри шунга имконият яратмоқдаки, ёнилғи қуйиш тармоқларининг айрим ходимлари қонунни поймол қилиб, шахсий бойлик орттириш ва мўмай фойда олиш мақсадида давлат мулкидан фойдаланмоқдалар.

Юқорида кўрсатилган ҳамда бошқа камчиликлар асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу соҳанинг иши таъсирчан ва қаттиқ назорат қилинмаётгани, шунингдек, Республика Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети (Ўртоқ Е. Т. Мўминов) ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбариятининг шахсан масъулиятсизлиги оқибатида юзага келган. Энергия манбалари ниҳоятда тақчил бў-

(Давоми иккинчи бетда).

ҚОНУН УСТИВОР БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг мажлиси

5 сентябрь куни Президент девонида Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Республика Олий Кенгаши комитетларининг раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг, ҳуқуқ-тартибот органларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида» деган масала муҳокама этилди. Конституция лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг бошлиғи, республика Конституцион назорат комитетининг раиси Ш. Ўразаевнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг ўтган йил апрелидаги биринчи мажлисида ўлкада конституциявий ислоҳот зарурлиги айтилган эди. Конституция комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошқарган ана шу мажлисда Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Бунинг учун ҳужжат лойиҳасини тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилган эди.

Мана, орадан қарийб бир ярим йилча вақт ўтди. Шу давр мобайнида янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш соҳасида жуда катта иш бажарилди, Ўзбекистонда давлатчиликни ривожлантиришнинг тарихий тажрибаси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилди, миллий психология ва анъаналар атрофлича таҳлил этилди.

Мажлисда бу муҳим сиёсий ҳужжатни тайёрлашга Президентимиз И. А. Каримов катта эътибор бераётгани, бошқаришнинг президентлик шакли асосий қонунда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ экани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Халилов, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори А. Саидов ва бошқалар Конституция лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда И. А. Каримов сўзга чиқиб, янги Конституциянинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Конституция, — деди у, — биринчидан, давлатни бошқариш учун керак. Иккинчидан эса, Конституция халқни тартиб-интизом асосида фаровонликка олиб чиқишга, ўлкада тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Биз қуражак халқчил ҳуқуқий давлатда қонун ҳамиша устивор бўлади.

Лойиҳани тайёрлашда чет эллардаги конституциявий қурилиш тажрибаси, айниқса тарихи, турмуш тарзи, миллий-маиший ва маданий хусусиятларига кўра Ўзбекистонга яқин мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга олинади. АҚШ, Франция, Италия, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси, Туркия, Португалия, Швеция, Греция, Мадагаскар, Покистон каби давлатларнинг Конституциялари, инсон ҳуқуқлари ялпи Декларацияси ҳамда бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар батафсил ўрганилди.

Мажлисда Ш. Ўразаев бошчилигида Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси лойиҳасини узил-кесил пухта ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи тузилиб, билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳани 15 кун муддатда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиш топширилди.

Ўзбекистон Президенти мажлис қатнашчиларини Тожикистонда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилди. Минтақада сиёсий вазият кундан-кун кескин тус олмоқда, кўп одамларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Тўртдан бир қисмидан кўпроғи ўзбеклардан иборат қўшни жумҳурият халқининг тақдири бизни бефарқ қолдиролмайди.

Йиғилганлар Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг республикамизда осойишталикни сақлаш, минтақада хавф-хатар ўчоқларига тезроқ барҳам бериш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қизғин маъқулладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

• Қардошлар қутлови

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Абдуғафур САМАТОВ,

ТОЖИКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ, ХУЖАНД ВИЛОЯТИ, ПРОЛЕТАР РАЙОНИ, ЛЕНИН НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ РАИСИ, ИККИ МАРТА МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ



Ўзбекистон Республикасининг истиқлол тантаналари кўпчилик қатори мени ҳам чексиз қувонтирди. «Зангори экран» орқали бу тантаналарни кўрар эканман, ниҳоятда ғурурланиб кетдим. Ахир қувонмай бўладими, мен учун ҳамиша ардоқли бўлган ўзбек халқи ўз мустақиллигини аҳил, иноқ бўлиб мустаҳкамлаяпти, ютуқларини оширмоқда.

Мен шунинг учун ҳам шодманки, ўзбекистонликлар ўзлари кўзлаган орзуларига етадилар. Бу — байрам қилишга, ўйнаб-кулишга арзигулик тарихий воқеа. Байрам тантаналари садолари вилоятимиз, районимизда ҳам баралла эшитилди. Ўзбекистонлик бирадарларимиз шодлигига шерик бўлдик.

Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиё халқлари, балки бошқа кўпчилик ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам оҳанграбога айланди. Аксарият меҳнаткашлар ўз бахт-саодати сари баҳамжиҳат, мардона қадам ташлаётган Республикангиз халқига ҳавас билан қарамоқда. Ютуқларингиздан бенихоя қувоняпти.

Жаҳондаги йирик давлатлар вакиллари, дўст мамлакатлар раҳбарларининг самимий табрикларидан қалбимда Сизлар учун чексиз фахр уйғонди. Мен ҳам ўз қалб сўзларимни қоғозга битиб йўлладим.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги бугунги зафарини кўриб, севиниб кетаман. Ҳар куни рўзнома, ойнома, радио ва ойнаи жаҳондан янги-янги хабарларни тинглаб, улкан ишлар амалга оширилаётганлигини чин қалбимдан ҳис этаман. Айниқса, ҳурматли президент Ислом Каримовнинг инсонпарварлик снёсатидан қувончимнинг чеки йўқ.

Негаки, халқ доим оқил ва одил сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Серғайрат раҳбар ўз иш фаолиятининг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон халқи ўз ери ва ер ости бойликларига эгалик қилишини таъминлаш йўлида катта юрак билан, зўр журъат ва жасорат билан чоралар кўрди. Миллий демократик давлат тузумини тўла шакллантириб, унинг республикадаги ҳар бир миллат ва элатга, ҳар бир фуқарога хизмат қилишини таъминлаш йўлида дадил иш бошлади.

Биринчи галда қўшни республикалар — Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон билан ўзаро фойдали шартномалар тузилди. Энг муҳими халқ фаровонлиги ҳақида астойдил қайғурилмоқда. Жаҳонга татғулик ишларни кўриб ким ҳам қувонмайди, дейсиз?!

Яхши раҳбар эл бахти, деб шуни айтсалар керак-да. Дарҳақиқат, Ислом Каримов халқ бахти учун дунёга келган буюк инсон. У кишининг беғубор, элсевар юрагида фақат эзгу ниятлар бор. Унинг дадиллиги, жасурлиги, ботирлиги, билимдонлиги мени ҳайратга солади. Сўзи аниқ, иши аниқ, дили пок бундай раҳбарни эҳтиётлик билан асрашимиз, қадрлашимиз, ҳурмат қилишимиз зарур.

Азиз юртдошларим! Сизлар инсоф билан, холис бир ният билан худога шукурлар қилиб бир ўйлаб кўринг. Ахир, Ўзбекистонда фуқароларга, кам таъминланган оилалар, кўп болали оналар, ногирон ва фахрийларга кўрсатилаётган буюк ғамхўрликни бирон нарса билан ўлчаб бўладими?! Халқнинг тинч, осойишта турмуш кечираётганлиги-чи? Рости гап, собиқ СССРдаги республикаларнинг бирортасида бундай ижобий ўзгаришлар бўлганича йўқ.

Ҳа, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ўз йўли борлигини баралла айтди. Рост-да. Қачонгача бошқалар тузган режага кўра иш олиб борилади. Энг муҳими, Ўзбекистон, аввало, қўни-қўшнилари, миллатдошлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилмоқда. Унинг Туркия, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар билан тузган тарихий битимлари шуни кўрсатиб турибди.

Ислом Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев Туркистон шаҳрида Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси остонасида ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва ёрдам тўғрисидаги шартномани имзолаганлиги барча нияти пок кишиларга оламолам шодлик олиб келди. Бу Туркистон ўлкасидаги республикаларнинг жипслашуви, бирлашуви йўлидаги катта, қутлуғ қадам бўлди. Ўзбекистоннинг бу йўлдаги саъйи ҳаракати, ҳурматли Ислом Каримовнинг ўз халқига бўлган меҳр-оқибати ҳар қанча таърифу таҳсинга лойиқ.

ЎЗБЕКИСТОНда қилинаётган кўпгина яхши ишлардан биз доимо ибрат оламиз. Негаки иқдими, тупроқ шароити, ҳатто хўжаликларимиз тузилиши ҳам бир хил. Айни пайтда бизнинг доврўғи анча-мунча жойга етган ўн беш қишлоқни ўзига бирлаштирган йирик хўжалигимиз меҳнаткашлари Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Тошкент каби вилоятларнинг Бекобод, Навоий, Тошкент, Қўқон, Бўка сингари шаҳар ва районлари билан мустаҳкам алоқада иш юритишмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

✦ **Тожик билан ўзбек қардош десак жон азиз, жондош десак, яқинроқ халқмиз. Уйларимиз бир, тўйларимиз бир. Қуда-қудағаймиз. Бир дарёдан сув ичамиз, бир осмондан нафас оламиз.**

✦ **Мен шунинг учун шодманки, жонажон Ўзбекистонни, қондош халқимни бутун дунё таниди.**

✦ **Президент И. Каримов миллий демократик давлат тузумини тўла шакллантириб, унинг республикадаги ҳар бир миллат, ҳар бир фуқарога хизмат қилишни таъминлаш йўлида дадил фаолият кўрсатмоқда.**

✦ **Ўзбекистонда фуқароларга, кам таъминланган оилалар, кўп болали оналар, ногиронлар ва фахрийларга кўрсатилаётган буюк ғамхўрликни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.**

✦ **Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ўз йўли борлигини баралла айтди.**

✦ **Ўзбекистонда қилинаётган ишлардан биз доимо ибрат оламиз.**

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

Спорт

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

● **ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатининг 25-тур ўйинлари бўлди.**

Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Пахтакор» — «Наврўз» — 6:1, «Орол» — «Трактор» —1:1, «Кимёгар» — «Сўғдиёна» — 1:2, «Нефтчи» — «Сурхон» — 4:0, «Шаҳрихончи» — «Нурафшон — 0:1, «Темирйўлчи» — «Мароқанд» 2:0, «Косонсойчи» — «Янгиер» — 1:1, «Пахтакор-79» — «Навбаҳор» — 0:1. Ана шу учрашувлардан кейин кучли олтиликни ташкил этиб турган жамоалар мавқеи мустаҳкамланди. Пахтакорчилар 36 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» ҳисобида 35 очко бор. «Сўғдиёна», «Нурафшон», «Темирйўлчи» жамоалари 34 тадан очко тўплашди. «Навбаҳор» 28 та очко билан 6-ўринни эгаллаб турибди.

ИСТИҚЛОЛ

эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан — **босқичма-босқич** ҳаракат қилиш керак. Бизнинг бозорга ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятларимиз ана шундадир. Бир босқични тугатиб, зарур шарт-шароитлар яратиб бўлгандан кейингина янги босқичга ўтиш керак. Бунда ҳар бир босқичнинг ўз устиворликлари шаклланади. Уларни таъминлашнинг ўз механизми ишланади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаоллигига боғлиқдир.

Зарур шарт-шароитни яратмай туриб, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, бозор муносабатларининг белгиларини ўта жадаллик билан, сунъий равишда ўтказиш кутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини қуриш ғоясига путур етказади.

Айни вақтда, иқтисодий ислоҳотни татбиқ этишда, етилган ечимларни қабул қилишда сусткашлик ва кечикишга йўл қўйиш шусиз ҳам иқтисоддаги ва ижтимоий соҳадаги ўта оғир аҳволни мураккаблаштиради.

Энг муҳими, ҳамма **бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни қуриш — бу узоқ мураккаб жараён** эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоғи керак. Қишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларни ўзгартириш айниқса муҳимдир. Фикрлашни қадам-бақадам ўзгартира бориб, амалда бошқа мамлакатларда юз йиллаб қурилган янги тизимнинг афзалликларига келамиз.

. **Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим.** Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак.

Аҳолини ва, аввало, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш қандай манбалар ҳисобидан таъминланиши мумкин? Миллий даромадни қайта тақсимлаш — давлат қўлидаги энг асосий манба ва воситадир. Тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг вужудга келган таркибига қараб қайта тақсимланадиган миллий даромаднинг улуши баъзида 30—50 фоизга етади. Ижтимоий-маданий соҳага, илм-фанга, техникавий тараққиёт ва мудофаага ҳам маблағлар мана шунинг ҳисобидан таъминланади.

Швеция, Германия, Австрия ва бошқа бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин.

Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак. Ўтган йиллар иқтисодиёти ўта сиёсийлаштириб юборилган эди. Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюктуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Иттифоқ халқ хўжалигини парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатидан қолоқлигига олиб келди.

Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи даркор. Бизнинг вазифамиз, уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир. Шу билан бирга ҳозирги босқичда иқтисодий муаммоларни ҳал этишни асосий сиёсий мақсадга — мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириш ҳаётий муҳим ва объектив зарурияти дир.

4. Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш — иқтисодиётимизни ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.

Бу йўлни изчиллик билан ўтказиш ўтиш даврининг ҳар бир босқичида унинг етилган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, айни шу паллада қайси манфаатлар устун келишини белгилаб олишни талаб қилади.

Бугунги кунда жамиятни янгилаш, эркин ишбилармонлик изига кўчириш вазифаларини ҳал этиш учун кучли мустақил давлат, унинг идоралари таркиби, ҳуқуқий асослари, мудофаа ва миллий хавфсизлик тизимининг қарор топиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу босқичда давлат манфаатлари устун бўлиши керак. Фақат шундай қилингандагина ҳам ишбилармонларнинг манфаатларини, ҳам аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин.

5. Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради. **Давлат, унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашишдан четда бўлиши керак.** Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлари тобора катта роль ўйнайди. Давлатда фақат иқтисодий дастур ва рағбатлантириш вазифалари қолади.

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар — молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда бевосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва у учун зарур шароитлар яратиш мумкин.

44. 45. 46. 47.

[Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28, 29 август, 3 ва 4, 5 сентябрь сонларида].

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзбекистоннинг қаерига маслаҳат сўраб борманг, қўлларини кўксиларига қўйиб таомилимизга кўра очиқ чеҳра билан самимий кутиб оладилар. Ҳозирги вақтда колхозимизда пахта тозалаш заводи қураётганимизда ҳам Ўзбекистондаги қардош ва қондошларимизнинг ёрдами катта бўлди. Гулистонлик дўстларимиз қисқа муддатда ҳудудимизда ёғ заводини ишга туширишга ёрдам бердилар. Хўжалигимиз ишлаб чиқаришининг қайси тармоғини олманг, ўзбекистонлик қардошлар билан мустаҳкам алоқамиз сезилади.

Демоқчиманки, Ўзбекистон билан дўстлик алоқалари шиорлар билан эмас, амалий ишлар билан мустаҳкамланмоқда. Халқимиз шунга эҳтиёж сезади-да! Ахир, биз шоир айтганидек, қардош десам жон азиз, жондош десак, яқинроқ халқмиз. Ўйларимиз бир, тўйларимиз бир. Тилимиз, дилимиз бир. Қуда-қудағаймиз. Бир дарёдан сув ичамиз. Бир осмондан нафас оламиз.

Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман. Колхозимиз Фарғона водийсига кираверишида жойлашгани учунми бизга кўпинча ўзбекистонлик меҳмонлар тўхтаб ўтишади. Биз ҳам тез-тез уларнинг ҳузурига бориб турамиз. Яхши ишларидан қувонамиз, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун ҳаракат қиламиз. Ўзбекистонда халқ иши учун жонини, бор кучғайратини аямайдиган кадрлар кўп. Шундай одамлари бор элнинг юки сира ерда қолмайди.

Бизнинг бир-биримизникига бориб, зарур ишларимизни битириб олишимиз ҳеч кимга сир эмас. Бекобод, Бўка районлари билан алоқаларимиз ҳам яхши йўлга қўйилган. Колхозлар билан олди-берди қиламиз. Ҳа, биз бир-биримиз билан фойдали шартномалар тузганмиз. Дўстларимиз бизни ҳар доим қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Ўз ўрнида биз ҳам қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Ҳозир ҳар куни бизнинг колхозимизга ўнлаб шаҳар ва районлар, бошқа давлатлардан меҳмонлар келишади .Мол айирбошлаш учун шартномалар тузилади.

Биз, аввало, Ўзбекистондан келган бирадарларимизнинг ишини бажариш учун бажонидил ҳаракат қиламиз. Дўстлигимизни далада экилаётган ғўза навлари ҳам кўрсатади. Айни пайтда «Фарғона», «Ан-Боёвут», «Наманган» каби навлар пахтазорларимизда синаб кўрилаётир. Кўриниб турибдики, ўзаро алоқаларимиз биз ўйлагандан ҳам зиёд. Демак, биз бир-биримизсиз сира яшай олмаймиз.

Ислом Абдуғаниевич ҳам ўз сўзларида доимо халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари: имон, эътиқод, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, эл ишига садоқат ҳақида кўп гапиради. Мен яна бир бор кўпни кўрган бир одам сифатида сизларга шуни алоҳида айтмоқчиман. Ўзбекистон иқтисодиётини қийинчиликлардан олиб чиқишда Президентнинг ҳиссаси ғоят катта.

Шунинг учун ҳам у кишини асранглар, азизларим. Айрим бир-иккита юзи иккита, тили учта одамларнинг ножўя сўзини эшитиб, сизларга шу гапларни айтишни ўзимнинг инсоний бурчим, деб билдим. Гапнинг рости, ушбу мақолани ёзишимга бир неккаси шу фикрлар ҳам сабаб бўлди.

Бир ўйлаб кўрайлик. Ўзбекистонда қатағон қилинган, қамалган кишиларни оқлаш, собиқ марказнинг Гдлян, Иванов каби ифлос қўлларини қайириб ташлаш ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми? Ахир, юзлаб асил ўзбек фарзандлари турмага ташланди. Оила аъзолари руҳан эзилди. Улар ниҳоят озодликка чиқишди. Мен бу гапларни айтмасам бўлмайди.

Ислом Абдуғаниевич биринчи бўлиб юксак минбардан туриб улуғ инсон, менинг севимли дўстим, биродарим Шароф Рашидовнинг номини оқлаш хусусида сўзлади. Яқинда ҳурматли Каримовнинг яна бир эзгу ишни бошлаганлигини эшитиб, жуда ҳам қувондим. Ўзбекистонда Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейи кенг нишонланаркан... Раҳмат, дейман чин юрагимдан, ўзбекнинг ўзбек бўлиши, жаҳонга донг таратишида бундай олижаноб ишларни қилаётган Ислом Каримов ҳаммамизнинг бахтимизга доим омон бўлсинлар! Тожикистон халқи, бу ерда яшаётган бир миллион 300 мингдан ортиқ ўзбеклар номидан у кишига чин дилдан самимий миннатдорчилик билдирамиз.

АЗИЗЛАРИМ, мен юқорида айтдим, ёшим саксондан ошиб боряпти. Бир кекса киши сифатида яна бир марта юрагимдаги бор гапни такрор айтмоқчиман. Мустақиллик эълон қилиш билан одамларнинг эгни бут, қорни тўйиб қолмайди. Афсуски, айрим узоқни кўра олмайдиган сиёсатдонлар, ҳатто Каримовнинг фаолиятига ҳам соя солмоқчи бўладилар.

Ваҳолонки, энг осойишта турмуш кечираётганлар ўзбекистонликлардир. Бу ерда ҳамма миллат ва элат вакилларига тенг ҳуқуқлар, ишлаш ва яшаш учун шарт-шароитлар яратилган. Фуқаролик бу ерда миллатга қараб эмас, унинг республикани тан олиб, элюрт иши учун жон куйдиришига қараб белгиланганлигини биз кўриб турибмиз.

Бизнинг энг катта бойлигимиз — одамлар. Улар яхши яшаса, хонадони тинч бўлса, шу энг катта ютуғимиз. Ўзбекистонда инсонга ғамхўрлик борасида қилинаётган савоб ишларни бутун дунё билиб турибди. Яна бир мисол. Қишлоқ меҳнаткашларига томорқалар бериш, шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш хусусида кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилди. Бундан қувонмай бўладими, ахир?! Ўзбекнинг ўзбеклигини кўрсатувчи боғ-роғлари, узумзору бодомзорлари камайиб кетганди. Ҳозир шу камчилик ҳам бартараф этиляпти. Чунончи, республикада минглаб гектар янги боғлар ташкил қилинмоқда. Аҳолини ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун ғаллазорлар бир неча баравар кенгайтирилди. Биз узоқда яшасак ҳам буларнинг ҳаммасини сезиб турибмиз. Сизларга ҳавас қилиб яшаяпмиз.

Ўзбекистонда тангликка йўл қўймаслик учун ҳамма чоралар кўриляпти. Беҳуда митингу сафсата сотишдан амалий ишни афзал деб биляпсизлар. Меҳнат билан ўтган кун эса умр мазмунига мазмун қўшаверади. Ҳар гал Ўзбекистонда бўлганимда ўзбек халқининг меҳнатсевар, фидойи эканига ишончим ортаверади. Март ойида ерга уруғ ташлаган деҳқон декабрь ойига қадар даласидан кетмайди. Апрель ойида ипак қуртини парваришлаш бошланади. Шундай меҳнаткаш инсонларга мадад бериш, бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан муҳофазалаш йўлида қатор хайрли ишлар ниҳоясига етказилаётир.

Деҳқон ва чорвадорларнинг маошлари бир неча баравар оширилди. Деҳқон хўжаликларини солиқдан озод қилиш тартиби белгиланди. Шуларни кўриб, юксак ишонч билан Ўзбекистон аҳолиси порлоқ истиқболга эга, дейман. Қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Одамларнинг онги ўсяпти. Масжидларда ҳар жума куни мўмин-мусулмонлар тоат-ибодатни бажо келтиришмоқда. Қайси қишлоқ, районга борманг, тўй-маъраканинг устидан чиқасиз. Булар бари эл маъмурчилиги йўлида улкан ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Меҳнаткаш деҳқоннинг мақсади битта. Ҳалол ишлаб, элни кийинтириш. Эртаю кеч пахтасини ўйлаб, қўлидан кетмонини қўймаган деҳқонни сиёсий ўйинларга тортиш инсофданми? Ахир, ҳамма талабларни кўтариб, кўчага тўда бўлиб чиққан билан уни келиб биров қилиб бермайди-ку! Мен учун азиз халқим ўзеклар бу гапларни тўғри тушунсалар бўлгани. Ахир, битта Президент, ҳукумат нима қила оларди? Шунинг учун яхши ният билан Ўзбекистон халқининг улкан ишларига муваффақиятлар тилайман. Иродангиз доим шундай мустаҳкам, сўзингиз устивор, хонадонингиз осойишта бўлаверсин.

Ошкоралик деб оғизга келганини қайтармай айтавериш одобдан эмас. Ўзбекларда каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш отабоболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган. Ўзбекистонлик раҳбарлар аввало, пиру бадавлат отахонлар, ветеранлар тажрибасига суяниб иш кўряптилар. Уларнинг аҳлоқ-одоб, инсоф, диёнат хусусидаги сабоқлари ўрнини бошқа бирон тарбия тўлдира олмайди.

Ўзбек зиёлилари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, ал-Хоразмий каби улуғ инсонларни оламга келтирган эл бугун мустақил бўлди. Эндиликда ўша буюк сиймоларнинг навқирон авлодларини тарбиялаш, камолга етказиш вазифаси олға сурилди. Маориф ходимлари, олимлар, врачларнинг маоши бир неча баравар оширилди. Айниқса, қишлоқ мактабларида таълим-тарбияни кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётир. Ҳали ўзбек халқи орасидан жаҳонга машҳур кишилар етишиб чиқишига шубҳа қилмайман.

Қўшнинг тинч бўлса, сенинг ҳам хонадонингда хотиржамлик бўлади. Улкан Ўзбекистон халқи тинч меҳнат билан банд. Йирик қурилишларда, пахтазорларда иш қизғин. Бу ишларни кўриб кўнгил тўлади, ҳавас қиласан. Балли, дейсан. Қадоқ қўлли ишчи, пахтакорнинг қўлига тикан ҳам кирмасин. Бугунги ўзбекнинг пахта, сут, гўштидан ташқари нефти ҳам бор. Бутун жаҳон бугун Москва орқали эмас тўғридан тўғри Тошкент билан ҳисоблашади.

Ўзбекистон жаҳоннинг тинчлик, меҳнат, инсонийлик бобида ёрқин бир намунаси бўлиб қолади. Мен бу билан ҳақли равишда фахрланаман. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари янада жипс бўлса, қўлни-қўлга бериб, меҳр-оқибат кўрсатиб , елкама-елка туриб ишласак, аҳил, бир оила фарзандларидек бўлиб яшасак, эзгу ниятларимиз ўринлайверади! Иншоолло, шундай бўлади.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● АНДИЖОН

ДЕҲҚОН БОЛАСИ ТУРКИЯДА ЎҚИЙДИ

● ШУКУРМЕРГАНЛИК оддий деҳқон Аҳмаджон Ортиқовнинг ўғли Раҳматжон илмга зеҳн қўйди, нуқул аъло баҳоларга ўқиди.

Олтинчи синфдаги пайтидаёқ Марҳамат район олимпиадасида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади, фахрий ёрлиқ олди. Кейин у Андижон вилоят олимпиадасида қатнашиб, номи чиқди. Ўтган ўқув йилида эса тарих фани бўйича республика олимпиадасининг совриндори бўлди. Ўрта мактабни ҳам олтин медаль билан битирди.

Раҳматжон Ортиқов омадини синаб кўрди. Иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга юбориш бўйича вилоят ва республика танловида қатнашиб, синовдан муваффақиятли ўтди. Энди у Туркияда ўқийди, ишлаб чиқариш ва меҳнат иқтисоди бўйича етук мутахассис бўлиб келади.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

● БУХОРО

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ҚУСАТУВИНИ ТОМОША ҚИЛИШМОҚДА

● ОЛОВКОРЛАР шаҳри Газлининг қозоқ аҳолиси Олмаота телевидениеси кўрсатувларини томоша қилиш имкониятига эга бўлди.

«Газлитрансдобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси бунинг учун зарур ускуналарни харид қилишга 400 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Созловчиларга ускуналарни ишга солиш учун икки кун кифоя қилди.

Газлиликлар Ўзбекистон мустақиллиги куни арафасидаёқ Олмаота кўрсатувларини томоша қила бошладилар. Бу Қозоғистон телевидениеси кўрсатувидан баҳраманд бўлган вилоятдаги учинчи аҳоли пунктидир. Бундан илгари Пешку районидаги «Жўнгелди» давлат хўжалиги ва Ромитан районидаги «Қизил равот» давлат хўжалиги чорвадорлари ҳам шундай имкониятдан баҳраманд бўлишган эди.

Нусратилла НАИМОВ.

МАВСУМ ОЛДИДАН

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашининг қатнашчилари пахта терими мавсумига қандай тайёргарлик кўрилаётганини муҳокама қилдилар. Кенгашда юз-хотир қилмай, очиқ гаплашиб олинди. Вилоятнинг бир қанча районларида терим техникаси мавсумга тахт қилинмагани учун мутасаддилар қаттиқ танқид қилинди. Ҳазорасп ва Хива районларининг айрим хўжаликларида ҳосилни қўлда териб олишни мўлжаллаб, техникани созлашга киришилмаган.

Пахтанинг етилиши 10 — 15 кун кечикаётган бу йилги мавсумда машиналардан фойдаланмай туриб ҳосилни йиғиштириб олиш қийин бўлади, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Техника ишга солинмаса, пешона тери билан етиштирилган ҳосил кўплаб нобуд бўлиши мумкин.

Вилоят деҳқончилик-саноат мажмуининг бошқа тармоқларидаги ишларнинг аҳволи ҳам таҳлил қилинди.

Кенгашда Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов нутқ сўзлади. **(ЎзА).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми. Боши биринчи бетда).

либ турган шароитда вилоят, шаҳар ва район ҳокимликлари бу муҳим ишдан ўзларини батамом четга олдилар. Бу ҳокимликлар нефть маҳсулотларининг давлат заҳиралари талон-торож қилинишидан иборат кўпдан-кўп ҳолларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш учун ўз вақтида чора кўрмаяптилар.

Республика халқ хўжалиги ва аҳолисини нефть маҳсулотлари билан таъминлашдаги салбий ҳолатларни тагтомири билан тугатиш, шунингдек, бозор муносабатлари шароитида мазкур тизимни бошқаришни тубдан қайта қуриш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети тугатилсин. Унинг ҳудудий бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотлари негизида Ўзбекистон нефть маҳсулотлари давлат акционерлик (ҳиссадорлик) бирлашмаси ташкил этилиб, у «Ўзбекнефтгаз» концерни таркибига киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси:

— юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган республика давлат ҳиссадорлик бирлашмаси ҳисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган амалдаги Уставга ҳамда қонунларга мувофиқ ўзини ўзи бошқариш ва тўла хўжалик ҳисоби қоидалари асосида амалга оширади;

— бирлашма таркибига кирган бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар давлат мулкини бошқаради ҳамда эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Ўзбекистон Давлат ҳиссадорлик бирлашмаси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юклансин:

республика халқ хўжалиги ва аҳолисини нефть маҳсулотлари билан таъминлашнинг бозор муносабатларини ҳамда иқтисодий бошқариш усулларини ривожлантиришга асосланган тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

«Ўзшартномасавдо» ва Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитети билан биргаликда эҳтиёжларни ўрганиш ҳамда барча турдаги нефть маҳсулотларининг балансларини ишлаб чиқиш ва давлат эҳтиёжлари учун уларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш топшириқларини белгилаш;

тармоқ корхоналарини мувофиқлаштирилган ва мутаносиб тарзда жойлаштириш, нефть қувурлари, нефть базалари ва ёнилғи қуйиш станцияларининг самарали шохобчасини вужудга келтириш, республика ва ҳудудий бошқарув идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида тармоқлараро вазифаларини ҳал этиш;

тизимни ривожлантиришнинг устивор муаммоларини ҳал этишга, нефть маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва жўнатиш жараёнларида янги техника ва технологияларни қўлланишга, жумладан, идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотларда бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларини барпо этишга қаратилган илғор илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

нефть маҳсулотларининг қўшимча заҳираларини қидириб топиш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги мамлакатлар билан нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тайёрлаш ва тузишга доир ишларни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, хорижий фирмалар иштирокида қўшимча корхоналар ташкил этиш;

тармоқни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини белгилаш ҳамда унинг комплекс дастурларини амалга ошириш, идораларга қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат идоралари ва бошқа идораларда уларнинг манфаатларини ифодалаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси республика халқ хўжалиги ва аҳолиси нефть ҳамда нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари билан ўз вақтида ва узлуксиз таъминланиши учун жавобгар бўлади;

«Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмасининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадилар;

бирлашманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бўлинмалари раҳбарлари «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси номенклатурасида бўладилар ҳамда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг тавсиясига кўра унинг ҳайъат органи томонидан тасдиқланадилар.

4. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида ушбу Фармон рўёбга чиқарилишини таъминловчи қарор қабул қилсин, «Ўздавнефтмаҳсулот» тузилмаси ва Устави тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 сентябрь.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Олий ҳазратлари

Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сизга, Сиз орқали Ўзбекистон давлати ва халқига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман. Сизга энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Шу муносабат билан айтмоқчиманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонни бошқа аъзо давлатлар каби қўллаб-қувватлайди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни давом эттираверади, деб умид билдиради.

Жаҳон халқлари дунёда тинчлик, хотиржамлик, адолат барқарор бўлишини жуда хоҳлайдилар ва буни талаб қиладилар. Бундай осойишталикни сақлашга ташкилотимиз бор кучини сафламоқда.

Олий ҳазрат, марҳамат қилиб, менинг юксак ишончимни қабул этсангиз.

Бутрос ГАЛИ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИНИМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги билан қутлайман.

Ўтган йилнинг унутилмас жиҳати шу бўлдики, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар, халқларимиз ўртасидаги мавжуд тарихий ва маданий алоқалар янада кўпроқ ривожланди. Шу алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Ўзбекистон Сизнинг муносиб раҳбарлигингизда, замонавий демократия принципларига асосланиб, чинакам миллий давлат барпо этишига имоним комил. Шу тарихий кунда, Сиз жаноби олийларига ва қардош ўзбек халқига соғлиқ, бахт ва фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДЭМИРЭЛЬ,
Туркия Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Биринчи миллий мустақиллик кунингиз муносабати билан шахсан ўз номимдан, шунингдек, Австралия ҳукумати ва халқи номидан, Сизга, ҳукуматингизга ва Ўзбекистон халқига зўр мамнуният билан қутловлар йўллайман.

Иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида равнақ топиб, тобора мустҳакамланиб бораверишига аминман.

Бил ХЕЙДЕН,
Австралия генерал губернатори.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИНИМ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги билан шахсан ўз номимдан ва турк халқи номидан табриклайман.

Ҳақли равишда тарихда ўзига муносиб ўринни олиб турган мустақил Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингиз замонавий демократия қоидалари негизида ўз мустақиллигини таъмин ҳам мустаҳкамлашига ишончим комил.

Сиз жаноби олийларига ва қардош ўзбек халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омон-эсонлик тилайман.

Турғут ЎЗОЛ,
Туркия Республикасининг Президенти.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган кунинг бир йиллиги муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан, шунингдек, немис халқи номидан мамлакатингизнинг омон-эсон ривожланиши ва унинг фуқароларининг бахтли келажагини тилаб билдирилган энг яхши истакларни йўллайман. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф этилганлиги, шу туфайли Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганлиги иккала давлатимиз ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш истиқболларини ҳам очади.

Рихард Фон ВАЙЦЗЕККЕР,
Германия Федератив Республикасининг Президенти.

ДОРИЛФУНУНИ

Ўтиш даврида давлат халқ хўжалигининг, айниқса таркибий ҳал қилувчи тармоқларнинг ҳаётий қобилиятини қўллаб-қувватлаб нархларни тартибга солиш, имтиёзли солиқлар белгилаш, тўғридан-тўғри дотация бериш йўли билан реал ёрдам кўрсатади. Бозор хўжалигининг асосий талаблари ва шартларидан бири —эркин нархлардир. Аммо нарх сиёсати, айниқса ўтиш даврида, бозор тармоқларини қарор топтириш даврида мутлақо тартибга солиб турилмайдиган биронта ҳам давлат йўқ жаҳонда.

Давлатнинг бурчи таркиб топиб келаётган ишбилармонлик тузилмаларини қарор топтириш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатишдан иборат. Шу билан бирга давлат ўз тузилмалари орқали қаттиқ ислоҳот ишларини амалга оширади, таркиб топган психологик ва бюрократик тўсиқларни йўқ қилади, бозор механизмини жорий этишга ундайди.

Бозор муносабатлари йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳар доим аҳолини ҳам, ишбилармонларни ҳам ислоҳотларга тайёрлаб келганлигидан далолат беради. Давлат уларни янгичасига яшашга маълум равишда ундаган ва рағбатлантирган. Шунинг ўзи билан бозорга тезроқ ва беозор киришга ёрдам берган.

Ички тузилмалар билан боғлиқ сиёсатни мақсадга мувофиқ амалга оширишда давлатнинг роли айниқса каттадир. Бу халқ хўжалигининг устивор соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш учун имтиёзли шароит яратишгина эмас, балки марказлашган маблағларни янги истиқболли

48.

ишлаб чиқариш қурилишларига йўналтириш ҳамдир.

Давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бевосита иқтисодиётнинг давлат сектори орқали ҳам таъсир кўрсатади. Истиқболда унинг ҳиссаси жиддий равишда қисқаради. Давлат ихтиёрида фақат асосий ва халқ хўжалиги тармоқларининг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлари қолади. Булар— ёқилғи, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, йўллар, темир йўл, ҳаво ва трубопровод транспорти, алоқа, сув ва газ таъминоти, ирригация иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланишдир.

6. Республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун, хўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратиш. Монополияга қарши фаол сиёсат ўтказиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, меҳнатни рағбатлантириш механизмини яратиш ана шунга ёрдам бериши керак. Кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ислоҳот халқ хўжалигининг барча соҳаларида баб-баравар тез амалга ошмайди. Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларини ажратиб олиш зарурдир, чунки уларни амалга ошириш республикани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган саноатда қайта ишлаш тар-

49.

моқлари устун даражада ривожлантирилади.** Иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғиндир. Бу қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ролидан келиб чиқади. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоизидан кўпроғи бугунги кунда қишлоқ хўжалигидан олинади. Қишлоқ хўжалиги республика ҳаётини таъминлашнинг асоси, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш учун, шунингдек, экспорт ресурслари ва валюта тушумларининг энг муҳим манбаларидандир.

Бугунги кунда қишлоққа ўзининг асли қадр-қимматини қайтармоқ зарур. Қишлоқ хўжалиги қайта туғилиши керак. Қишлоқ меҳнаткашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. Деҳқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади.

Республиканинг бутун аграр сиёсатида ерга эгалик қилиш ҳақидаги масала айниқса муҳимдир. Бизнинг деҳқончилигимизнинг хусусияти шундайки, экин майдонларининг катта қисми, техника экинларининг аслида ҳаммаси — бу қудратли давлат ирригация тизими хизмат кўрсатадиган суғориладиган ерлардир. Республика аҳолиси зич яшайди, ер ёки сув бугуннинг ўзида етишмаяпти. Келажакда, аҳоли тез кў-

50.

паийб бораётган шароитда бу муаммолар айниқса кескинлашади.

Ерни товарга айлантириш аҳолининг ҳаётий таянчларини қўпоради, ер участкалари билан чайқовчилик қилишни келтириб чиқаради, деҳқонни эртанги кунга ишончдан маҳрум қилади. Хусусий мулк бўлган ерга эгалик қилиш учун асрлар мобайнида ҳукм суриб келган аёвсиз кураш халққа беҳад қийинчиликлар келтиргани яхши маълум. Ҳозирги босқичда ерга давлат эгалигини сақлаб қолиш, уни талон-торож қилишга йўл қўймаслик керак. Бу суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир.

Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонда ернинг эгаси эканлиги туйғусини қайта тиклаш— мерос қила олиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиш учун бериш йўлидан бориш керак. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигини юритишнинг шундай мехнизмини яратиш керакки, бу ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш имкониятини берсин. Ана шундагина деҳқон— ўзини ҳақиқатдан ҳам ернинг чинакам эгаси деб билади.

Қишлоқни қайта ўзлаштириш демократик тарзда амалга оширилади. Деҳқон қалбига яқин ва тушунарли бўлган меҳнатни ташкил этиш шаклларини тиклаш зарур. Шарқда одамлар асрлар давомида жамоа-жамоа бўлиб яшашган ва меҳнат қилишган. Аграр ислоҳотнинг дастлабки босқичида қишлоқда ишлаб чиқаришнинг том маънодаги кооператив шаклларини қайта тиклаш вазифаси қўйилади.

(Давоми бор).

51.

ТЎЙГА ТЎЙ УЛАНСИН

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЭРКИН ТУРСУНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Эркин Турсунович, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганлиги, сизнингча, вилоят ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар ясади?

— Мустақиллик яратувчилик фаолиятимизда ҳақиқий эркин, ижодий ҳаракат қилиш учун кенг имкониятлар яратди. Миллий қадриятларимиз тикланяпти. Ўтган қисқа вақт мобайнида нималарга эришдик? Аввало, вилоят ҳокимлиги жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг аҳолини иқтисодий танглик жараёнидан олиб чиқиш борасидаги сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаган ҳолда, фуқароларнинг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини кўраяпти. Президентимизнинг бу борадаги фармонлари ижроси доимий назоратда. Қолаверса, мустақиллик туфайли Жиззах вилояти ҳам жаҳон миқёсига чиқмоқда. Энг ривожланган мамлакатлар билан турли жабҳаларда ҳамкорликка интилаяпмиз. Йил бошидаёқ Жиззах қурилиш материаллари комбинатида ташкил этилган шиша идишлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон— Америка қўшма корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида барпо этиладиган терини қайта ишловчи қўшма корхона, қанд заводи, ҳиндистонлик биродарларимиз иштирокида Фориш районида қуриладиган цемент заводи каби корхоналар ҳам вилоят иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Биз ким билан ҳамкорлик қилмайлик, ўзаро тенглик асосидаги ҳамкорлик йўлини тутаяпмиз. Ташқи сиёсатда, савдода тажриба тўплаяпмиз. Дунё бозори, банклари билан, нуфузли ишбилармонлар билан узвий алоқа ўрнатиш ниятларимиз бор.

— Яқинда вилоятимизнинг бир гуруҳ турли соҳа мутахассислари АҚШда бўлиб қайтишди. Сафардан кўзланган мақсадга эришилдими?

— Америкада жуда кўп ишбилармонлар билан учрашдик. Уларнинг фаолиятлари билан танишдик. Ҳар икки томон учун фойдали мулоқотлар бўлди. Натижада вилоятимизда кўплаб сифатли, замонавий халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар очиш керак деган хулосага келдик. Ҳозирча иккита битим тузилди. Биринчиси устки трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида қуриладиган корхона. Унда аёллар устки кийимлари ишлаб чиқарилади. Иккинчиси Дўстлик районида барпо этиладиган улкан ип-йигирув фабрикасидир.

— Мустақилликнинг дастлабки йилиёқ вилоят аҳолисини ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Бу хайрли иш амалга ошяптими?

— Жорий йилдаёқ аҳолини мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум билан таъминлаяпмиз. Бу экин майдонларидан олинаётган ялпи ҳосилнинг 1,5—2 баробар ошганлиги самараси. Шунингдек, мазкур йилда 160 минг тонна дон, 20 минг тонна картошка етиштиришни режалаштирганмиз. Бу — эҳтиёжимизнинг бир қисми, холос. Халқимизнинг ғалла ва кортошкага бўлган эҳтиёжини тўла қоплаш мақсадида 1995 йилгача даврга мўлжалланган дастур ишлаб чиққанмиз.

Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари салмоғини кўпайтириш, экинзорлардан унумли фойдаланишга эришишда Вазирлар Маҳкамасининг харид нархларни ошириш, ҳосилнинг бир қисмини хўжаликлар тасарруфида қолдириш борасидаги қарорлари муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш даркор.

— Галдаги энг зарур вазифалар нималардан иборат?

— Аввало, янги бошқарув тизимини ҳар томонлама такомиллаштириб бориш зарур. Ишлаб чиқариш жамоаларининг Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йили байрами нишонланган даврдаги режаларини уддалашлари учун маҳаллий раҳбарлар зарур шарт шароит яратиб беришлари керак. Токи, мустақилликни самарали, сидқидилдан қилинган меҳнат билан мустаҳкамлаш мумкинлигини ҳар бир фуқаро қалбдан ҳис қилсин.

Маълумки, бу йил йирик давлат арбоби, ёзувчи Ш. Рашидовнинг таваллудига 75 йил тўлади. Қутлун тўйга Жиззах вилояти ҳам ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳарда Шароф Рашидовнинг уй-музейи очилиб, бюсти ўрнатилади.

Тўйга тўй, байрамга байрам уланаверсин. Ўлкамиз мустақиллиги йўлидаги одимларимиз янада шаҳдам бўлаверсин.

Суҳбатдош Б. САТТОРОВ.

«Мустақиллик йўли—истиқбол йўли» байрам йўқламаси

● Мустақил Ўзбекистон бир ёшга тўлди. Бу жуда қисқа муддат. Лекин у амалга оширилган ишлар кўлами, халқимиз ҳаётида рўй берган тарихий воқеаларга бойлиги билан хотирамизда бир умр сақланадиган йилдир. Буни мен шунчаки гапнинг хонаси келгани учун гапираётганим йўқ, аксинча ҳаракатга келтирган заҳиралар, амалга оширилган ишлар шундай дейишимга асос бўлиши мумкин.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

АВВАЛО шуни айтиш керакки, мустақиллик иқтисодий механизмларнинг қандай ҳаракатга келтирилиши билан ўлчанади. Яъни иқтисодиёт мустақиллик негизидир. Ана шу йўналишдаги ишларимиздан бири ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қатъий киришганимиз бўлди. Чунки жаҳон стандартлар талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қисқа муддатларда корхоналарни қайта жиҳозлаш учун замонавий технологияга, малакали мутахассисларга эга бўлишимиз зарур эди. Айни пайтда вилоятда 20 дан зиёд қўшма корхонанинг ишлаб турганлигини бу йўналишдаги дастлабки ижобий қадамлар, деб баҳолагим келади. Фақат кейинги беш ойнинг ўзидагина 12 мамлакатдан 50 дан зиёд фирманинг вакиллари вилоятимизга ташриф буюрдилар. Биргина Хитой Халқ Республикасининг Хунань вилояти делегацияси билан қўшма корхоналар қуриш юзасидан 16 та аҳдлашувга эришилди. Яқин йиллар ичида Қибрай райони марказида чой қадоқлаш фабрикаси қурилади. Оҳангаронда қамиш ва сомондан қоғоз, картон идишлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бекободда велосипед корхонаси барпо этилса, Чирчиқда тикув фабрикаси, Бўстонлиқ районида эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган тармоқ фойдаланишга топширилади. Шу йилнинг охирларида пойтахт дўконларида Туркия фирмаси тамғаси туширилган кўйлаклар пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда трикотаж ишлаб чиқарадиган «Учқун» — Ўзбекистон — Сингапур» қўшма корхонаси қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Яна бошқа кўпгина қуриладиган корхоналар лойиҳалари тайёр.

Вилоятимиз делегациясининг Туркиянинг Қайсара шаҳрига ташрифи ўзаро ҳар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўшди. Ҳозир амалда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналаримиз пахтани қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги эътиборни жалб этади. Ана шу корхоналарда ишлаш учун йигит-қизларимиз малака ҳосил қилишлари зарур. Яқинда бир гуруҳ ёшларимиз шу мақсадда Туркияга йўл олдилар. Улар тўрт йил билим олганларидан сўнг бакалаврлик касбини эгаллаб, электроника соҳасидаги тажрибаларини бойитиб қайтадилар.

Бурноғи йили Тошкент ва Чимкент (ҳозирги Жанубий Қозоғистон) вилоятлари ўртасида имзоланган шартнома икки халқнинг азалий иқтисодий, маданий ва маърифий алоқаларини янада яқинлаштиришга хизмат қилаётир. Икки томонлама мулоқотлар ўғида фойдаланилмай ётган имкониятларни излаб топиш, илғор жамоалар тўплаган тажрибаларни баҳам кўриш, меҳнатни ташкил этишнинг янги, самарали шаклларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш сингари ҳаётий муҳим масалалар қамраб олинаётир. МДҲга аъзо бўлган республикалар ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар вилоят, шаҳар, районлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари давом этмоқда. Жорий йилда бу йўналишда самарали қадамлар қўйилди, дейишга асослар етарли. Россия Федерациясининг Кемерово, Омск, Иванова вилоятлари, Олтой ўлкаси ва бошқа минтақалар билан тузилган шартномалар шулар жумласидандир.

ВИЛОЯТ ҳокимлиги иқтисодиётни барқарорлаштиришга ҳаракат қила бориб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, мактаблар, шифохоналар қуришга, қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, йўлларни созлашга алоҳида эътибор беряпти. Янги иш жойлари яратилаётир. Кейинги ярим йилнинг ўзидагина мавжуд корхоналарни таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадларига 114 миллион сўм сарфланди. Ички имкониятларни оқилона ишга солиш орқали республикамиз Президенти фармонларининг амалга оширилишини таъминлашга ҳаракат қилинаётир. Бу борада қишлоқ меҳнаткашларига яратиб берилаётган шароит ва қулайликлар хусусида ҳам гапириб ўтиш ўринли. Вилоятда 576 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Шахсий томорқа участкалари учун 22 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Мева ва сабзавот сақланадиган 25 та омборхона ишлаб турибди. Уларда 13 минг 500 тонна маҳсулотни сақлаш мумкин. Ҳар бир районда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 12 та янги консерва цехи қурилгани ушбу фикрни далиллаши мумкин.

Пойтахт вилоятида ўтган бир йил давомида халқ хўжалигини бозор муносабатларига мувофиқлаштириш борасида муайян юмушлар қилинди. Ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналарининг бунёд этилганлиги аҳолини озиқ-овқат ва кундалик зарур моллар билан таъминлашни енгиллаштирди. Илгари ана шу маҳсулотлар четдан келтирилар эди. Шунингдек, биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш муаммосини ечишда маълум тажрибага эга бўлдик. Келгусидаги вазифа белгиланган тадбирлар шу йилнинг ўзида самара беришига эришишдан иборат. Шу боис, биринчи навбатда пахта толаси, пилла, жун, тери хом ашёсини қайта ишлаш, капролактам, момиқ ва бошқа маҳаллий ҳамда иккиламчи захиралардан оқилона фойдаланиш йўлидан боряпмиз.

Истиқбол сари қўйилган дастлабки қадамлар самараси сезиляпти. Гарчанд ўтган бир йил иқтисодий қийинчиликлар, муаммоларга бой бўлган бўлсада, бир неча йилларга татийдиган тажриба тўплашимизга имкон яратди. Бундан кейинги одимларимиз енгилроқ, осонроқ кўчишига шубҳа йўқ. Зотан, юздан зиёд миллат ва элатни бирлаштирган вилоятимиз халқининг эзгу тилаги ҳам тезроқ тўкинчиликка, фаровонликка эришишдан иборатдир.

С. САЙДАЛИЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими.

• ЖИЗЗАХ • • ТОШКЕНТ •

Пахтакор районидаги Эргаш Жуманбулбул номли давлат хўжалигининг Хўжам Жонузоқов бошлиқ сабзавотчилик звеноси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик байрами арафасида ҳар гектар майдондан ўртача 140 центнердан помидор ҳосили йиғиштириб олиб, йиллик режани бажаришди. Ҳали далаларда ҳосил кўп. Миришкорлар унинг бир мисқолини ҳам увол қилмай йиғиштириб олишга ҳаракат қилишаётир.

Суратда: бригада бошлиғи Хўжам Жонузоқов ишчи Тўрабек Ирсолиев билан янги узилган помидорни кўздан кечиришмоқда.

Х. ҲУСАНОВ олган сурат.

ЧЎПОННИНГ КЎНГЛИ ТЎЛСА

Бўлимимиз қўйчивонлари шу кунларда 15 мингга яқин қўйэчкини парвариш қилишаяпти. Уларнинг 7 мингдан зиёдроғи совлиқ. Жорий йилда қоракўл қўйлардан кўзи олиш режасини 103 фоиз бажаришга эришдик. Давлатга қоракўл тери, жун сотиш кўнгилдагидек бўлди. Бундай дейишимнинг боиси, жумҳурият Президентининг жун ва терининг харид нархларини ошириш ҳақидаги фармони чўпон оилаларига ҳам, хўжаликка ҳам иқтисодий ахволни бир қадар яхшилаб олишларида жуда қўл келди. Шахсий мол эгалари ҳам имкони борича кўпроқ жун, сифатли тери топшириш тараддудига тушиб қолишди.

Бу йил ўстиришга қолдирилган қўзилардан 4 та янги отар ташкил этдик. Қувончлиси шундаки, ҳозир чўпон мутахассислар топиш бир пайтлардагидай ўткир муаммо бўлмай қолди. Сабаби — чўпонлар ўз меҳнатларининг қадрлана бошланганлигини ҳис этмоқдалар. Ферма ва отарларда замонавий турар-жойлар қурилаяпти. Уларни электрлаштириш муаммолари ҳал этилмоқда. Қоракўлчилик фермаси чўпонлари учун 2 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Президент Фармонига мувофиқ келгусида бу уйлар чўпонларнинг шахсий мулки бўлиб қолади.

Бўлимимиз ҳозиргача 10 тонна мева топшириб, режани уддалади. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум етиштириш ҳам кўнгилдагидек. Район меҳнаткашлари элимиз дастурхони бут бўлиши учун астойдил жон куйдирмоқдалар.

Ш. ЭШОНҚУЛОВ,
Фориш районидаги «Богдод» давлат хўжалиги бўлими бошқарувчиси.

ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК КЕРАКМИ?

Жамоамизда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги хўжалик механизми шаклланиб бормоқда. Эндиликда барча ишлаб чиқариш воситалари, иншоотлар, ер ва фермерлар ширкатларга бепул бўлиб берилгани туфайли кўпчилик тармоқларда пировард натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлмоқда. Нега? Чунки хўжалиқ раҳбарлари ўн бараварга қисқарди. Меҳнаткаш тўла мустақилликка эришди. Энди у ўзи етиштирган маҳсулотга эга бўлиш билан бирга ўз имконияти, тадбиркорлиги ва ташкилотчилигини кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитдан фойдаланиши мумкин. Республикада биринчи бўлиб жамоа хўжалигидан корпорация тизимига ўтилгани ишлаб чиқариш муносабатларида ижобий силжишларга олиб келди. Рентабеллик 6 фоизга кўтарилди. «Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш муддатлари 9-10 кунга қисқарди. Ойлик маош 3-4 бараварга ошди. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин эса ривожланишнинг янги қирралари пайдо бўлди. Эндиликда ижара ширкатлари ўрнида деҳқончилик фирмалари фаолият кўрсатаётир. Уларнинг қошида эса хусусий мулкчиликка асосланган кичик корхоналар ишлаб турибди. Хом ашё етиштирувчи бу хўжалик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хўжаликка айланганидан далолат беради. Бозор муносабатлари ҳам шуни талаб қилмоқда. Айни пайтда замонавий чет эл технологияси билан қуроллланган кичик корхоналаримиз ташқи ва ички бозорга пахта, тола, сут, гўшт, дондан ташқари газлама, атлас, тайёр кийим-кечаклар чиқармоқда. Уй-жой масаласи ижобий ҳал қилинган. Ҳадемай ишсизликка тўла барҳам берилади. Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун хўжалик ҳудудида ёғ заводи, сутни қайта ишлайдиган цех ишга туширилди. Бу — йил охирига борib саноат ишлаб чиқаришига 330 киши жалб қилинади, демакдир. Ўтган йили фақат деҳқончиликда бир кишининг йиллик ўртача даромади 10 минг сўмдан ошиб кетди.

Жамоамиз чет мамлакатлар билан қўшма корхоналар тузишга катта эътибор билан қараётир. Ҳозирги пайтда Покистон билан битта, Туркия билан эса иккита қўшма корхона ташкил этганмиз. Улар жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Хусусий мулкчилик шарофати туфайли одамларимиз келажаклари саодатли, турмушлари фаровон бўлишига ишонган ҳолда жонбозлик билан меҳнат қилаётирлар.

Турғун МАДИЕРОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги бошқарувчиси.

Ғазалкентдаги «Чотқол» оромгоҳи шу йил ёзда меҳнаткашларнинг дам олиб, саломатликларини тиклайдиган санаторийга айлантирилди. Замонавий медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган бу масканда даволанувчилар турли муолажалар оладилар.

Суратларда дам олувчилар-нинг шифобахш сув ва кислородли коктейлдан баҳраманд бўлаётганлари акс этган.

Р. ШАҒАЕВ олган суратлар (ЎзА).

● ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА

ТОШКЕНТ—ТЕЛ-АВИВ ҚАТНОВИ БОШЛАНДИ

● БУГУН тонгда Ўзбекистон Республикаси «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилари бошқарган «ИЛ-62» ҳаво кемаси Исроил пойтахти Тел-Авив шаҳрига учиб кетди. Шу муносабат билан авиакомпания бош раҳбарининг халқаро алоқалар бўйича муовини Бекбулат САЛИМОВ «Ўзбекистон овози» газети мухбирига қуйидагиларни маълум қилди:

—«Ил-62» самолётида 168 киши парвоз қилмоқда. Уларнинг деярли барчаси Ўзбекистон ва Исроил мамлакатлари ўртасида тижорат ва иқтисодиёт билан шуғулланаётган мутахассислардан иборат. Ҳаво кемасининг ўн кишилик моҳир учувчилардан таркиб топган экипаж бошқармоқда.

Самолёт бортида миллий авиакомпания бош раҳбарининг биринчи муовини А. Рўзметов, шунингдек, авиакомпания хизматлари бўйича етакчи мутахассислар ва журналистлар ўрин олишган. Самолёт соатига 800 километр йўл босиб, беш соату йигирма минутда Тел-Авивнинг Бенгурион халқаро аэропортига қўнади. Шу билан ҳар икки мамлакат ўртасида мунтазам ҳаво йўли қатновига асос солинади. Яқин орада Исроил мамлакатининг «Эл-Аль» авиакомпанияси самолётлари ҳам Тошкентга учиб келадиган бўлади.

Шу кунларда миллий авиакомпаниямиз бош раҳбари Ғани Рафиқов Буюк Британия авиакомпаниясининг таклифига биноан Лондонда меҳмон бўлиб турибди. У киши Тошкент Лондон ўртасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш юзасидан музокаралар олиб бормоқда.

Ҳозир яна бир қатор мамлакатлар ҳам биз билан фуқаро авиакомпанияси фуқаро авиацияси соҳасида ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқдалар. Жумладан, Сурия ва Германия корхоналари вакиллари билан фикр алмашинмоқда. Яқин вақтлар ичида Дамашқ ва Франкфрут на-Майн шаҳарларига ҳам самолётлар қатнови йўлга қўйилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
Тошкент—Тел-Авив халқаро парвозининг қатнашчиси.

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР • МУТАСАДДИ
FIDE
МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

● Сиз азиз мухлислардан келаётган кўплаб таклаб, истакларни ҳисобга олган ҳолда газета саҳифаларида тез-тез учрашиб туришни режалаштирдик. Фикр-мулоҳазалар бўлса марҳамат, юборинг.

МАНТИҚИЙ ТАФАККУР МАКТАБИ

Дейдиларки, баҳс — ҳақиқат калитидир. Ўқиш илмий тадқиқот пайтида ёки станок ёнида ишлаб турганда атрофдаги нарсалар билан боғлиқ қарама-қаршиликлар одамдан қатъийлик, фикрни бир жойга тўплаш, батартиблик, дадиллик ва таваккалликни, танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш қобилиятини, муваффақиятсизликлару ҳафагарчиликларга бардош бериш ва ғалаба қозониш учун курашишни тақозо этади.

Инсонга хос бу қимматли фазилатларга одам бешикдалигида эга бўлмайди. Булар онгнинг ўсиши натжасида пайдо бўла бошлайди. Шахмат ўйини ҳар қандай курашнинг мавҳум акс этиши бўлиб, бу қимматли фазилатларнинг шаклланишига айтарли даражада кўмаклашади. Ўйин пайтида вазиятни ҳар тарафлама баҳолай олмаган шахматчи албатта мағлуб бўлади. Ҳар бир мағлубият шахмат билимимиз ҳамда амалий тайёрлигимизнинг танқидий мезонидир. Шахмат — иродани мустаҳкамлашда ажойиб бир мактабдир.

Шахмат ўйинининг энг қимматли тарбиявий омилларидан бири аслида унинг изчил мантиқий тафаккурининг ажойиб мактаби эканлигидир. Шахматнинг мана шу томони, ишдаги жисмоний жиҳат астасекин маънавий жиҳатга ён бераётгани бизнинг замонамизда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2 юришда мат.



Жавобларингизни кутамиз.

ФИШЕР ҲАМ ЮТҚАЗДИ

● ЮГОСЛАВИЯНИНГ Авлиё Стефан оролида жаҳон экс-чемпионлари Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасида бошланган учрашувнинг дастлабки тўрт ўйини бўлиб ўтди.

Маълумки, Фишер биринчи ўйинни ўз фойдасига ҳал қилганди. Иккинчи учрашув дуранг бўлди. Томонлар учинчи марта дона суришганда Фишер оқ доналар билан ўйнаганига қарамай ҳисоб яна дуранг бўлди. Лекин дуранг ҳисоблар қоидага мувофиқ ҳисобга киритилмайди. Тўртинчи ўйинда эса Фишер кутилмаганда мағлубиятни тан олди. Оқ доналар билан ўйнаган Борис Спасский 49-юришга борганда ғалаба қозонди. Шундай қилиб умумий ҳисоб 1:1 бўлди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН)
- ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
- ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
- ОБРЎ НИМА БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

Биз сизга ёрдам берамиз!

Ёқилғи тақчил бўлиб турган ҳозирги шароитда Ўз муаммоларингизни ҳал этиш Ўзингизнинг қўлингизда. Бизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пневматик йўналишдаги шассили автомобиль тиркама-цистерналари юксак сифатли маҳсулотдир ва у ҳарбий қисм шароитида фойдаланилиб, ўзининг ҳар томонлама бардошлилигини кўрсатди, чет эл бозорларида ҳам харидоргир. Улар тиниқ нефть маҳсулотлари ва техникада қўлланиладиган бошқа унча хавфли бўлмаган суюқликларни ташиш ёки вақтинча сақлаш учун мўлжалланган. Сиғими 6700 литр.

Якка тартибдаги буюртмаларга кўра аввалдан келишилган катталикдаги сиғимлар ҳам ишлаб чиқарилиб, уларни кўчирилмайдиган ҳолатда ҳам монтаж қилиш мумкин.

Тиркамали цистернанинг баҳоси 145305 сўм (қўшимча нархдан олинадиган солиқ бу ҳисобга кирмайди), шассисиз цистернанинг баҳоси эса 78140 сўм (қўшимча нархдан олинадиган солиқ бу ҳисобга кирмайди).

ПЦ—6,7—8925 ТИРКАМАЛИ ЦИСТЕРНАСИ

Тиниқ нефть маҳсулотлари ва бошқа унча хавфли бўлмаган суюқликларни ташиш ёки вақтинча сақлаш (уч ой муддатга) учун мўлжалланганлиги. Тиркамали цистерна боғланиши мумкин бўлган тармоқланган қисқа трубали суюқ ёқилғи ташийдиган автопоезд ва автоцистерналар таркибида ишлатиш талабларига тўла мос келади.

Минск автомобиль заводининг шассили тиркама-базали шассилари.

Цистернанинг сиғими фойдаланишга қараб, кенгайиб, ўзгариб туради.

— 6700+—40
— 6890+—50

Тиркамали цистернанинг соф оғирлиги юк ортилмаган ҳолатда килограмм миқдорида	— 4240
Тўлиқ ўлчами қуйидагидан кўп эмас, миллиметр ҳисобида:	
Узунлиги, дудбурони билан	— 7850
Узунлиги, дудбуронсиз	— 6080
Эни	— 2500
Баландлиги	— 2800
Шасси базаси, миллиметр ҳисобида	— 3700
Тирсаги, миллиметр ҳисобида	— 2130
Юк ортилган тиркамали цистернанинг йўлни ёриб ўтиши, миллиметр ҳисобида:	— 400

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 393740, Мичуринск, Тамбов вилояти, Привокзальная кўчаси, 1-уй. Локомотив ремонти заводи ижара корхонаси.

Телефон 4-32-11, телетайп 226838, «Инжектор», телекс 4-23-00.



РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА ДАВЛАТ, ЖАМОА, ХУСУСИЙ ХЎЖАЛИКЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар Сизда қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик техникалари, асбоб-ускуналар ва кенг кўламдаги халқ истеъмол моллари харид қилиш ёки сотиш истаги туғилса «АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИГА мурожаат қилинг!

Биржа сизнинг истагингизни бажонидил қабул қилади ва сизга юксак хизмат маданияти кўрсатади.

«АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИ ҳар ҳафтанинг чоршанба куни (ёпиқ) ва шанба куни (очиқ) — эрталаб соат 10.00 да савдоларини ўтказмоқда. Очиқ савдода Сизлар турли маркадаги автомашиналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кенг кўламдаги халқ истеъмол моллари, асбоб-ускуналар ҳамда пахта териш этакларини чекланмаган миқдорда, арзон нархда

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«АНДИЖОН» БИРЖАСИда воситачилик ўринлари ҳам сотилмоқда. Ҳар бир брокерлик ўрнининг баҳоси — 100 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармонлар «АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИ билан ҳамкорлик қилишга шошилинг!

Шунингдек, биржа «Андижонтурист» вилоят бирлашмаси билан ҳамкорликда кўпчилик аҳли мўмин мусулмонларнинг эзгу истакларига биноан Саудия Арабистонидаги муқаддас зиёратгоҳлар — Маккаи-Мукаррама ва Мадинаи-Мунаввара муддати бир ва икки ҳафталик зиёрат уюштирмоқда.

Ҳар икки сафар йўналишларида сиз ўз эзгу ниятингиз «Умра»ни адо этиш шарафига муяссар бўласиз. Бу муборак сафарлар шу йил сентябрь ойининг 14, 21, 28 кунлари бошланади.

Мустақил Ўзбекистон фуқаролари Умра сафарига марҳамат!

Ҳужжатлар республикамизнинг бошқа вилоятларида истиқомат қилувчи фуқаролардан ҳам қабул қилинмоқда.

Саёҳат ишқибозлари булардан ташқари Истанбул, Боғдод, Деҳли, Тел-Авив ва бошқа кўпгина шаҳарларга сафар қилишлари учун йўлланмаларни ҳам сотиб олишлари мумкин.

Улар сафарга чет эл паспорти очиқ виза билан бўлган тақдирда жўнатиладилар.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 39-уй, Машраб кўчаси, 19-уй.

Мулоқот учун телефонлар: (8-374-22) 4-52-43, 4-22-56, 6-10-25, 6-43-36, 6-47-21.

Телефакс: (8-374-22) 5-46-51.
Телетайп: 168189 «Марказ».

«АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИ.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ БЮРОСИ

1992 йил учун саёҳат маршрутларини

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1. Бирлашган Араб амирлиги — 7 кун 160 доллар+39000 сўм.
2. Малайзия-Сингапур — 7 кун 190 доллар+42500 сўм.
3. Ҳиндистон (Деҳли-Агра) — 7 кун 160 доллар+37000 сўм.
4. Покистон (Карочи) — 7 кун 270 доллар+15000 сўм.
5. Туркия (Истанбул) 7 кун 133 доллар+40000 сўм.
6. Сурия (Дамашқ) — 155 доллар+15000 сўм.
7. Хитой (Урумчига самолётда) — 185 доллар+ 6000 сўм.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69 а, 13-хона. Метронинг «Пахтакор» бекати. Телефон: 44-02-38.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛГИ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИНИНГ БИРИНЧИ ТИРАЖИДА ОМАД КУЛИБ БОҚҚАН 250000 СЎМЛИК БОШ ЮТУҚ ЭГАЛАРИНИ ВА БАРЧА ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ЭГАЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

НАВБАТДАГИ ТИРАЖ 30 СЕНТЯБРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ. ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ! БОШ ЮТУҚ СИЗГА НАСИБ ЭТИШИ МУМКИН.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМА БАНКИ, АГРОСАНОАТ БАНКИ, САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН СОТИЛМОҚДА ВА СОТИБ ОЛИНМОҚДА. СИЗ 12 ФОИЗЛИ ЗАЁМ СОТИБ ОЛИШ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЎЗ ҲИССАНГИЗНИ ҚЎШАСИЗ.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ

Даволаш куллиётини 1972 йили битирган врачлар 12 сентябрь куни соат 10-00 да ТошМИ (эски) ректорати биноси ёнига

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ташкилий қўмита телефонлари: 78-46-29, 67-74-96.

Тошкент шаҳрининг Чилонзор районидаги жавобгарлиги чекланган жамият — «Зумрад» фирмасининг тўрт бурчакли штампи ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БАҲОСИ БОЗОР НАРХЛАРИДАН 2 БАРАВАР АРЗОН!

Ташқи савдо ташкилоти қуйидаги маҳсулотларни сўмлар эвазига улгуржи миқдорларда сотади:
ГФРда ишлаб чиқарилган аъло сифатли уч хил:
ёнғоқли;
сутли;
.аччиқ. шоколад .100 г.

ГФРда ишлаб чиқарилган совға қутичаларидаги шоколадли конфетлар. Данияда ишлаб чиқарилган уч хилдаги аъло сифатли резина сақич. Москва шаҳридаги омбордан зудлик билан таъминланади. Манзилга етказиб берилиши ҳам мумкин.

Чет элда тайерланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Таъминлаш ва шартнома тузиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Москва, Народное ополчение кўчаси, 21-уй, .Детский мир. дўкони биносидаги .ИНОПТТОРГ. улгуржи савдо дўкони.

Телефонлар: /095/ 197-68-75, 378-11-35.
Факс /095/ 3781135.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси фармакология лабораториясининг етакчи илмий ходими, медицина фанлари доктори Н. Т. Тўлагановга онаси

Азиза ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва касаба уюшмаси Хўжалик фаолиятининг таҳлили кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари номзоди С. Абдуллаевга онаси

Замира ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг - Маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича Бош давлат инспекцияси ходимлари инспекция бошлиги О. Қ. Исабековга опаси

Пайзихон ҚУРБОН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—22.30.
Г—340. № 177. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.